


ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA MILLIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMAN

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



MENDELEEV DMITRIY IVANOVICH  
(1834-1907)

2022  
FEVRAL  
№37



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.l, 2-uy.



+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00



[www.taqiqot.uz](http://www.taqiqot.uz)



[www.conferences.uz](http://www.conferences.uz)

**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ  
АНЖУМАНЛАР:  
1-ҚИСМ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ  
КОНФЕРЕНЦИЙ:  
ЧАСТЬ-1**

---

**NATIONAL RESEARCHES OF  
UZBEKISTAN: CONFERENCES  
SERIES:  
PART-1**

**ТОШКЕНТ-2022**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

**“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]**

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 37-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 18 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

**6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқовиҷ, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқовиҷ, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ**

<b>1. Нарбаева Нодира Жуманазаровна</b>	
КОРРУПЦИЯ ТУСИНИГИНЕ ҲУҚУҚИЙ АНАЛИЗ.....	7
<b>2. Akramova Muazzam Turdiqul qizi</b>	
MUDDAT O'TGANLIGI MUNOSABATI BILAN JAVOBGARLIK DAN OZOD QILISH ASOSLARIDA MUDDATLARNI HISOBBLASH MASALALARI .....	9
<b>3. Жўраев Дилмурот Мухторович</b>	
МАЪМУРИЙ НИЗОЛАРНИНГ СУДЛОВГА ТААЛЛУҚЛИК МУАММОЛАРИ ҲАРБИЙ СУД МИСОЛИДА НАЗАРИЙ-ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ.....	12
<b>4. Жўраев Дилмурот Мухторович</b>	
МАЪМУРИЙ ВА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА СУДЛОВГА ТААЛЛУҚЛИК МУАММОЛАРИ .....	15



## ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

### КОРРУПЦИЯ ТҮСИННИГИНЕ ХУҚУҚИЙ АНАЛИЗ

Нарбаева Нодира Жуманазаровна

Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекеттік университеті

“Жынаят нызамшылығын қоллау теориясы ҳәм әмелияты”

қәнигелігі 2-курс магистранты

Telefon: +998(91)3789566

kkdyrbayev@bk.ru

**Аннотация:** Бул мақалада коррупция түсинигине қурамалы социаллық қублыс ретинде берилген ҳәр түрли анықламаларға хуқуқиый жақтан анализ берилген.

**Гилт сөздер:** Коррупция, жынаят, нызам, социаллық қублыс, жәмийеттік ҳәм сиясий искерлик.

Бүгінгі күнде коррупция жынаятшылығы тек ғана Өзбекстанда емес ал, дүнья жүзінде кең тарқалған жынаятшылықтың бир түри есапланады.

Бул мәселеде Президенттің Ш.Мирзиёев өзинің Олий Мажлис палаталарының қоспа мәжлисіндегі баянатында: -«Жәмийеттік коррупция, түрли жынаятларды ислеу ҳәм басқа хуқықбұзарлықтар жағдайларына қарсы ғүресій, оларға жол коймау, жынаят, әлбетте, жазасыз қалмауы ҳаққындағы нызам талаптарын әмелде тәмийинлеу бойынша анық шара-илажлар көрийимиз керек», - деп атап өткен еди<sup>1</sup>.

Қурамалы социаллық қублыс ретинде коррупция түснігі де бир неше мәнисінде түснілийі мүмкін.

Коррупция сөзи латын тилинен кирген болып *corruptio*, *бузыў*, пара есесине өзине қаратыў деген мәнисти аңлатады.

Әдетте коррупция дегендеге, материаллық пайда алыш менен байланыслы нызамсыз ҳәрекеттер түсніледи. Теориядағы илимпазлар, сиясатшылар ҳәм әмелиятшылар оргасында коррупция түснігі ҳаққында ҳәр қылыш пикірлер бар. Айрым илимпазлар коррупция бул, пара ушын сатылыў десе, айрыымлары коррупция – кең көринисіндегі жынайый бирлеспе деп сыйпаттама береди.

Коррупция – бул лаұызымлы шахслар ҳәм мәмлекет хызметкерлеринің сатып алышыў ҳәм усы тийкарда олардың өз жеке яки жынайый топар, шөлкемлескен топар мәплерин гөзлеп рәсмий хызмет ўәкилліктеринен ҳәм оларға байланыслы абырайы ҳәм имканияттарынан пайдаланыў менен сыйпатланатуғын социаллық ҳәдийсе болып есапланады.

Коррупция түснігін социологлар, басқарыў системасы қәнигелери, экономисттер ҳәм әпиўайы пукаралар түрлише талықлады. Социологлар коррупция – бул ҳәкимият ўәкиллери өзлеринің жеке мәпи ушын тән алынған стандартлардан шетке шығыўы” деп түснідіреди. Мәмлекет басқарыў системасындағы қәнигелер болса “коррупция – көбірек жеке пайда алыш мақсетінде қандай да бир нызамсыз ҳәрекет”, деп түснідіре береди. Бул түснікке Өзбекстан Республикасы Жынаят кодексіндегі көпшилік жынаятлар туура келеди.

Юристлер бул түснікке елде анықтық киргизеди ҳәм коррупция – бул, мәмлекеттік басқарыў аппаратын зыянландыратуғын социаллық қублыс болып, мәмлекеттік ўазыйпаларды атқарыў жүкленген шахстың жеке өзинің яки бир неше шахслардың пайдасына байлық арттырыў мақсетінде дәмегөйлік нийетінде өз хызмет ўазыйпасынан,

<sup>1</sup> Мирзиёев, Шавкат Миромонович Эркин ва фаровон, демократии Ўзбекистон давлатини биргаликда бар-по этамиз. Ўзбекистон Республикасы Президенті лавозимига киришиш тантаналы маросимига бағищланған Олий Мажлис палаталарининг күшма мажлисидаги нутк /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Узбекистан» НМИУ, 2016. - 56 6.



статусынан ҳэм авторитетинен пайдаланыўы – деп анықлама береди.

Илимде коррупция түснегине бир неше анықлама берилген. Эдете коррупция дегенде, мәмлекетлик әмелдарлардың, лаўазымлы шахсларлардың, улыўма жәмийетлик ҳэм сиясий искерлердин жеке мәпи ушын өз лаўазымына қыянет етийи түснеледи.

Негизинде коррупция түснеги нызам бойынша анықланыўы керек. Өзбекстан Республикасының 2017-жыл 3-январьдағы “Коррупцияға қарсы гүресиў ҳаққында”ғы Нызамында коррупция – бул, шахстың өз лаўазымы яки лаўазымы менен байланыслы абыройынан пайдаланып жеке мәплерин яки өзге шахслардың мәплерин гөзлеп материаллық яки материаллық болмаған пайда алышу мақсетинде нызамға қарсы пайдаланыўы, тап сондай бундай мәпти нызамға қарсы түрде усыныў деп түснедирме бериледи.<sup>1</sup>

Юридикалық жақтан сыпатлағанда коррупция жынаятларының жәмийетке қәүиплилиги соннан ибарат, жынаят нәтийжесинде хәкимият, басқарыў ҳэм жәмийет бирлеспелери органларының искерлигине, пұқаралардың нызамлы ҳуқық ҳэм еркинликтерине зыян келеди. Мәмлекеттиң экономикалық раўажланыўына кери тәсир етеди.

### **Пайдаланылған әдебияттар длизими**

1. Мирзиёев, Шавкат Миромонович Эркин ва фаровон, демократии Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиңган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси-даги нутк /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, 2016. - 56 6.
2. Өзбекстан Республикасының 2017-жыл 3-январьдағы “Коррупцияға қарсы гүресиў ҳаққында”ғы Нызамы
3. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции принятая резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 г.
4. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ. - 22.04.1994.

---

1. 1 uezbekstan Respublikasyny 2017-jyyl 3-yanvarda y “Korruptsiya a arsy g resiyu a yinda” y Nyzamys



## MUDDAT O‘TGANLIGI MUNOSABATI BILAN JAVOBGARLIK DAN OZOD QILISH ASOSLARIDA MUDDATLARNI HISOBLASH MASALALARI

**Akramova Muazzam Turdiqul qizi,**  
Toshkent davlat yuridik universiteti  
tayanch doktoranti  
Telefon:+998977567618  
muazzamxon93@gmail.com

**ANNOTASIYA:** Hozirgi globallashuv jarayonida jinoyat qonunlarini insonparvarlashtirish barcha davatlarning siyosiy dasturidan o‘rin olgan. Shu sababdan, javobgarlikdan ozod qilish turlarini o‘rganish muhim ahamiyatga ega. Ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasi qonunchiligidagi javobgarlikdan ozod qilish asoslardan biri bo‘lgan muddat o‘tib ketganligi sababli javobgarlikdan ozod qilisha asoslari mohiyati ochib berilgan.

**KALIT SO‘ZLAR:** muddat o‘tishi, javobgarlikdan ozod qilish, qayta jinoyat sodir etish, amnostiya, ayblov hukmi, tashkilotchi, ishtirokchi, tergov va suddan yashrinish

Muddatlarning o‘tib ketganligi munosabati bilan jinoiy javobgarlikdan ozod qilishning mohiyati - belgilangan muddat tugagan taqdirda, shaxs sodir etgan jinoyati uchun jinoiy javobgarlikka tortilmasligi va jinoyat sodir etilgan kundan boshlab qonunda belgilangan vaqt davrining o‘tganligidir.

Javobgarlikka tortish muddatining o‘tib ketganligi munosabati bilan jinoyat uchun javobgarlikdan ozod qilishda mualliflarning ikkita pozitsiyasini ajratish mumkin:

- 1) muayyan qilmishni sodir etgan shaxsning ijtimoiy xavfeligini yo‘qotganligi, lekin, uning jazolanishi;
- 2) jinoyat sodir etgan shaxsning ijtimoiy xavfeligini yo‘qotganligi va shu sababli uni jinoiy javobgarlikka tortishning maqsadga muvofiq emasligi.[1]

Professor Z.S.Zaripovning fikriga ko‘ra javobgarlikdan ozod qilishning asosi sifatida ko‘p yillar oldin sodir etilgan jinoyatlar bo‘yicha jinoyatni tergov qilish, uni ochishning qiyin ekanligini ko‘rsatadi, ya’ni vaqt o‘tishi bilan jinoyat izlari yo‘qoladi, guvohlar aniq faktlarni yoddan chiqaradi, alohida dalillar o‘z kuchini yo‘qotadi va boshqalar, bularning barchasi ishni tergov qilishni shunchalik darajada qiyinlashtiradi, haqiqatni topish haddan tashqari murakkablashadi va ba’zida uning iloji ham bo‘lmaydi. Albatta, jinoyatni o‘z vaqtida aniqlash va uni sodir etgan shaxslarni jazolash choralarini ko‘rish, dastlabki tergov va sud organlarining vazifalarini ancha yengillashtiradi. Chunki, bir necha yillardan keyin tergov qilinsa, dalillarni yig’ish va haqiqatni aniqlash so‘zsiz murakkablashadi. Bunday holatda, haqiqatdan ham ba’zi dalillar yo‘qoladi, guvohlar voqeanning zarur qismini yoddan chiqaradi. Biroq, yuqoridaq barcha holatlar javobgralikka tortish muddatining asosi bo‘la olmaydi. Chunki javobgarlikka tortish muddatlarini sodir etilgan qilmishning murakkabligi va jinoyat sodir etilgandan so‘ng bir qancha vaqt o‘tganligiga qarab emas, balki uning ijtimoiy xavfeligiga qarab belgilanadi.

Shaxsning ijtimoiy xavfeli bu obyektiv real faktidir. Jinoyat qonuniga ko‘ra jinoyatni sodir etgan shaxs ijtimoiy xavfli hisoblanadi. Jinoyatni sodir etmagan esa, o‘z-o‘zidan shaxsning ijtimoiy xavfli emasligidan guvohlik beradi. O‘zbekiston Respublikasi JK 64- va 69-moddalarida nazarda tutilgan javobgarlikka tortish va jazoni ijro etish muddatlarini doirasida yangi jinoyat sodir etilganda, ushbu muddatlarning o‘tishi to‘xtatiladi. Demak, aybdor muayyan muddat mobaynida yangi jinoyatni sodir etmasa, jinoyat qonuniga muvofiq javobgarlikka tortish yoki jazoni ijro etish muddatlarining o‘tishi asosida jinoiy javobgarlikdan va jazodan ozod qilinadi.[2]

N.I.Zagorodnikov tomonidan ilgari surayotgan konsepsiyaning mazmuni bo‘yicha jinoiy javobgarlik jinoyat sodir etgan shaxsga nisbatan sud tomonidan jinoyat-huquqiy normanining real qo‘llanishi bo‘lib, jinoiy javobgarlikning tarkibiy qismiga sud tomonidan jazo tayinlash ham kiradi. Jinoiy javobgarlik doimo aybdorning xulq-atvorini salbiy baholanishi, davlatning majburlov choralaridan birining belgilanishini nazarda tutadi. Shu bois jinoiy javobgarlika torish muddati bilan bog‘liq masalalar ham jinoyat qonuni aosida hal qilinishi lozim. O‘zbekiston Respublikasi JK 64-moddasida jinoiy javobgarlikka tortish muddati to‘g‘risida so‘z yuritilar ekan, unda javobgarlikka torish jinoyat qonuning talablari asosida amalga oshirilishi lozimligi nazarda tutilgan.



Ushbu fikr mulohazalardan kelib chiqqan holda, N.I.Zagorodnikov aybdor sifatida jalg qilingan shaxs hali jinoiy javobgarlikka tortilgan hisoblanmaydi, ham jinoyat huquqiy munosabatlар emas, balki faqat protsessual munosabatlар vujudga kelgan bo‘ladi deb ta‘kidlaydi; Agar jinoiy javobgarlik shaxs aybdor sifatida jinoyat protsessiga jalg qilingan kundan boshlanadi deb ta‘kidlaydigan bo‘lsak, javobgarlikka tortish muddatlari o‘tishining boshlanishi tergov organlari faoliyatining tezkorligiga bog‘liq bo‘ladi.

Demak, shu o‘rinda jinoiy javobgarlik masalasini ham aniqlash lozim. Jinoiy javobgarlik shaxsning jinoyat sodir etganligi haqida davlat organlari xabar topganidan va unga nisbatan jazo choraalridan biri tayinlanishi muqarrarligidan dalolat beradi.

Jinoiy javobgarlikka oid bunday tushunchalar amaliyotda muddatlarni tatbiq etishda qiyinchiliklarga barham berishga imkon beradi, jinoyat va jinoyat-protsessual qonunchiligi o‘rtasida hal qilinmaydigan to‘qnashuvlarning oldini olishga imkon beradi.[3]

Muddat o‘tishini hisoblashning umumiy qoidasi shundan iboratki, muddat o‘tishi jinoyat sodir etilgan kundan keyingi kunning nol soatlaridan boshlanadi va muddat o‘tishining oxirgi kunining nol soatlarida tugaydi. Sovet yuridik adabiyotlarida jinoyat sodir etilgan kunni belgilash, muddat o‘tishini hisoblashning dastlabki paytlarida ma‘lum bir qiyinchilik tug‘dirdi. Jinoyat huquqi nazariyasida jinoyat tarkibi obyektiv tomonning tuzilishiga ko‘ra rasmiy va moddiy narsalarga bo‘linganligi sababli, “jinoyat sodir etilgan kun” tushunchasi harakatning o‘zi (harakatsizligi) amalga oshirilgan kun va jinoyat tarkibining barcha belgilari mavjud bo‘lgan kun deb tushunilishi mumkin.

Vaqtni hisoblashda aniqlikka qaratish lozim. Adolatni ta‘minlash maqsadida har bir sutka aniqlikka asoslanadi. Jinoiy harakat sodir etilgan yoki oqibat kelib chiqqan kunning ertasidan boshlab hisoblash, aniq hisoblash asoslariga kiradi.

Ishtirokchilik masalasini ko‘rib chiqish lozim. Muddat o‘tishining boshlang‘ich nuqtasini aniqlash huquqni muhofaza qilish organlari xodimlari uchun va ishtirokchilikda sodir etilgan jinoyatlar uchun qiyin bo‘lishi mumkin. Ishtirokchilar uchun muddat o‘tishi bir xil va ularning har biri uchun ular jinoyat sodir etilgan kundan boshlab boshlanadi. Muddat o‘tishini hisoblashning boshlanishini rollarni taqsimlashda ishtirok etgan holda aniqlash ancha qiyin. Jinoyat qonunchiligidagi adabiyotlarda, ishtirokchilar uchun muddat o‘tishini hisoblash bilan boshlanish payti bajargan vazifasiga qarab farq qiladi va har bir sherikga jinoyat sodir etilgan sana, uning jinoiy faoliyatining xususiyatidan kelib chiqqan holda, alohida hal qilinishi kerak degan nuqtai nazar mavjud. Ishtirokchilar uchun muddatni hisoblash ularning harakatlarini yakunlanishidan boshlashlari kerak, ijrochini harakatlari yakunlanishidan emas.

Binobarin, jinoiy javobgarlikning muddat o‘tishi barcha ishtirokchilar uchun umumiy bo‘ladi. Muddat o‘tishining dastlabki payti ishtirokchilarning jinoiy rejasি amalga oshirilgan paytdan boshlab to‘g‘ri hisoblab chiqiladi, ya’ni jinoyat sodir etgan kundan boshlab ular tomonidan tashkiliy faoliyatni amalga oshirish, dalolatchilik qilish va yordam berish bilan bog‘liq jinoyat sodir etiladi.

Muddatning o‘tishini boshlanishini aniqlashda davomli jinoyatlar mavjud bo‘lganda davomli jinoyat tugagan paytni belgilash zarur. Ilmiy adabiyotda aksariyat mualliflar asosli ravishda ta‘kidlaydilar davomli jinoyatlarning yuridik va faktik tugash vaqtini aniqlash zarur. Qonuniy tugashi shaxsning harakatida tugallangan jinoyatning barcha belgilari paydo bo‘lgan paytdan boshlab amalga oshiriladi. (masalan, qurolni noqonuniy saqlash boshlangan paytdan boshlab, aytilgan jinoyatning qonuniy oxiri mavjud). Davomli jinoyatning faktik tugashi jinoyatning yuridik jihatdan tugashi bilan katta farq qilishi mumkin. Faktik tugash bu davomli jinoyatning jinoyatning mohiyati hisoblangan, uning o‘ziga xos xususiyati bo‘lgan shaxsning jinoiy holati tugatilishini anglatadi. Davomli jinoyatning amalda tugashi uni sodir etgan shaxsning xohishiga ko‘ra yoki unga bog‘liq bo‘lмаган holatlар bo‘yicha amalga oshirilishi mumkin.[4]

Davomli jinoyatlar bilan bog‘liq ravishda muddat o‘tishining dastlabki paytini aniqlash o‘ziga xos xususiyatlarga ega.

Ba‘zi mualliflarning ta‘kidlashicha, davom etadigan jinoyat uchun muddat o‘tishi jinoiy qilmish harakatlari yoki harakatsizligidan boshlab hisoblab chiqilishi kerak. Ular o‘zlarining pozitsiyalarini shu bilan asoslashadi: agar davomli jinoyatlar uchun muddat o‘tishini hisoblash ushlangan kundan yoki aybdor sifatida o‘z aybini bo‘yniga olgan paytdan boshlab hisoblab chiqilgan bo‘lsa, unda jinoyatchilarni jinoiy javobgarlikka tortish tahdidi “abadiy” bo‘lib chiqadi. Davomli jinoyatlar ma‘lum bir jinoyat tarkibini doimiy ravishda amalga oshirish bilan tavsiflanganligini



unutmasligimiz kerak. Ushbu jinoyatlarning o‘ziga xos xususiyati shundan iboratki, jinoyat sodir etgan shaxsning ijtimoiy xavfliligi o‘zgarmay qoladi, jinoiy harakat davom etadi. Agar biror kishi ijtimoiy xavfli bo‘lib qolsa, unga nisbatan muddat o‘tishini qo‘llash mumkin emas.

Sobiq SSSR jinoyat qonunchiligidagi muddat o‘tishi umumiy (farqlanmagan) nazarda tutilgan edi, hattoki ushbu davr mobaynida u tergov yoki sud jarayonidan qochgan bo‘lsa ham, shu vaqt ichida yangi jinoyat sodir etmagan bo‘lsa, shaxs jinoiy javobgarlikka tortilishi mumkin emas edi. Bu muddat 15 yilga tenglashtirilgan. Jinoyat sodir etgan shaxslarni tergov qilishdan yoki sud jarayonidan qochish uchun muddat bo‘lishi kerak, ammo bu muddatlar jinoyatlarning har bir toifasiga nisbatan farqlanishi kerak.

D.R.Qurbanovning ta’kidlashicha, huquqni muhofaza qilish organlariga ma’lum bo‘lmagan jinoyatni sodir etgan shaxs, shuningdek sodir etilgan jinoyatga aloqadorligi hali aniqlanmagan shaxs tergov va suddan bo‘yin tovlamoqda, deb e’tirof etilishi mumkin emas.[5] Muddat o‘tib ketganligi munosabati bilan javobgarlikdan ozod qilish Mustaqil Davlatlar Hamdo‘stligiga kiruvchi davlatlarning Jinoyat Kodekslarida uchraydi. Ulardan ba’zilarini tahlil qilsak bo‘ladi. Belorusiya Respublikasi Jinoyat kodeksida (83-modda), muddat o‘tishi sodir etilgan jinoyat toifasiga qarab farqlanadi. Og’ir jinoyatlarni sodir etgan shaxslar uchun jinoiy javobgarlikka tortilishning uzoq muddat o‘tishi belgilanadi. Jinoyat kodeksining 83-moddasining 1-qismiga ko‘ra, jinoyat sodir etilgan kundan boshlab quyidagi muddatlar o‘tgan bo‘lsa, shaxs jinoiy javobgarlikdan ozod qilinadi:

- 1) ikki yil - ijtimoiy xavfi katta bo‘lmagan jinoyat sodir etilganda;
- 2) besh yil - unchalik og’ir bo‘lmagan jinoyat sodir etilganda;
- 3) o‘n yil - og’ir jinoyat sodir etilganda;
- 4) o‘n besh yil - o‘ta og’ir jinoyat sodir etilganda, ushbu moddaning 5-qismida nazarda tutilgan hollar bundan mustasno.[6]

Xulosa sifatida aytish mumkinki, muddat o‘tib ketganligi munosabati bilan javobgarlikdan ozod qilish muhim ahamiyat kasb etadi. Yuqoridaqilardan kelib chiqib, quyidagilar taklif qilaman:

Birinchidan, O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat Kodeksiga “muddat o‘tib ketganligi munosabati bilan javobgarlikdan ozod qilish” 64-moddasiga so‘zlar o‘zgartilishi lozim. 64-modda 2-qismi quyidagi tahrirda bayon etilishi lozim: Unda Javobgarlikka tortish muddati jinoiy harakat sodir etilgan yoki oqibat kelib chiqqan kunning ertasidan boshlab hukm qonuniy kuchga kirgunga qadar hisoblanadi,-deb belgilanishi lozim.

Ikkinchidan, O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat Kodeksiga “Muddat o‘tib ketganligi munosabati bilan javobgarlikdan ozod qilish” deb nomlanuvchi 64-moddasidagi so‘zlar o‘zgartirilishi lozim. 64-modda 3-qismi quyidagi tahrirda bayon etilishi lozim. “Agar jinoyat sodir etgan va jinoiy javobgarlikka tortilgan shaxs tergov yoki suddan yashirinsa, muddatning o‘tishi to‘xtatiladi. Aybdor ushlangan yoki aybini bo‘yniga olib arz qilgan kundan boshlab muddatning o‘tishi qaytadan tiklanadi”,- deb belgilanishi lozim.

### Foydalanimanadabiyotlar ro’yxati

1. Нехороших М.Е. // Освобождение от уголовной ответственности в связи с истечением сроков давности//Законность и правопорядок в современном обществе. 2013 г Статья.-С.223. [cyberleninka.ru](http://cyberleninka.ru).
2. Niyazova Sh. Muddatlarning o‘tganligi munosabati bilan jinoiy javobgarlik va jazodan ozod qilish muammolari. Diss... yur. fan. nomzodi-Toshkent. :2010.-B.30
3. Махмудова М. Сроки давности в уголовном праве России. Авт. дис....кан.юр.наук. Махачкала.:2011.-С.11
4. Т. Г. Черненко. Некоторые вопросы освобождения от уголовной ответственности в связи с истечением сроков давности. Вестник Кузбасского института.2019 г.-С.98
5. D. R.Qurbanov. Jinoyat qonunchiligini liberallashtirish sharoitida jinoiy javobgarlikni qo‘llash muammolari. Diss... yur. fan. nomzodi-Samarqand. :2008.-B.49
6. Оскерко В. В. И др. Истечение сроков давности как условие освобождения от уголовной ответственности по УК Республики Беларусь и УК Республики Армении: сравнительный анализ. <https://www.elib.bsu.by>



## МАЪМУРИЙ НИЗОЛАРНИНГ СУДЛОВГА ТААЛЛУҚЛИЛИК МУАММОЛАРИ ҲАРБИЙ СУД МИСОЛИДА НАЗАРИЙ-ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

Жўраев Дилмурот Мухторович,  
Тошкент шаҳар маъмурий судининг  
судья катта ёрдамчиси  
E-mail: joraev\_dms@mail.ru

**Аннотация:** Мазкур мақолада маъмурий ва оммавий хукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг судловга тааллуклилиги ҳарбий судлар мисолида қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, маъмурий ва оммавий хукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг судловга тааллуклилигини аниқлаш масалалари ёритилган. Бу бўйича қоидалар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 26,31-моддасида ўз аксини топган. Мақолада ушбу тоифадаги низоларнинг судда кўрилиши билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар таҳлил қилинган бўлиб, ечим учун таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** судловга тааллуклилик, маъмурий низо, оммавий хукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низо, ҳарбий суд.

Жамият аъзоларининг ўзаро муносабатга киришишида, маълумот алмашинуvida чегара, чеклов тушунчаларининг аҳамияти тобора камайиб бормоқда.

Ривожланган давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки бугунги кунда жамият институтларининг ҳар бирида доимий ва изчилик билан реформацияларни амалга ошириб бориш, янгидан-янги ижтимоий институтларни ташкил этиш, эскиларини замонга мослаштириш, ривожлантириш талаб этилмоқда. Бунда жамият институтларининг соддалаштирилиши, бюрократиядан ҳолилиги ва ҳаётйлигини таъминлаш талаб этилмоқда.

Эътироф этиш жоизки мамлакатимизда сўнги йилларда суд-хукуқ соҳасида тарафларнинг тортишуви ва тенг хукуқлилигини таъминлашда суд билан жамият аъзоларининг ҳар бири ўртасида муносабатларни ўрнатишида қийинчилик туғдирадиган механизмларни соддалаштириш борасида мисли кўрилмаган ислоҳотлар амалга оширилди ва соҳани янада ривожлантириш изчилик билан давом этмоқда.

Айни шу ўринда айтиш жойизки жамиятнинг бошқарув институтлари ва фуқаролар ўртасидаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, жамият институтларининг ҳаётйлигини оширишда сўнги йилларда ташкил этилган маъмурий судларнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Бизга маълумки, бугунги кунда маъмурий судларнинг судловига тааллукли ишларнинг [1] асосий қисмини маъмурий ва оммавий хукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар ташкил этмоқда.

Ҳар қандай механизмнинг камчилиги, ислоҳот талаблиги унинг амалиётидан намоён бўлади. Бугун бироз фикр юритмоқчи бўлганимиз ҳарбий маъмурият ва ҳарбийлар ўртасида юзага келадиган маъмурий низоларнинг судловга тааллуклилиги юзасидан амалиётда учраётган ёки учраши мумкин бўлган тасаввурий илмий қарашлардир.

Бугунги кунда соҳа мутахассисларининг ўртасида бази мамурий низоларнинг судловга тааллуклилиги юзасидан қарама – қарши фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар ҳарбий судларга бугунги кунда эҳтиёж мавжуд эмаслигини таъкидлашса, базилари эса ҳарбий судларга жамият доимий эҳтиёж сезишин судларнинг ихтисослашуви билан боғлайди.

Давлат думаси депутати А.Арбатов “Ҳарбий адолат – бу архаизм, демократик давлатлардаги бундай органлар нафақат кераксиз, балки муаммоларни келтириб чиқаради” (нима учун “архаизм” ва қандай муаммолар яратилишини муаллиф тушунтирмаган) [2].

А.Арбатовнинг фикрига тўлиқ қўшилмасакда бугунги кунда дунё ҳамжамиятида рўй бераётган ўзгаришлар, капитализмнинг ривожларниши, глобаллашув жараёнлари мавжуд ҳарбий жамиятларнинг характер ва хусусиятларига ҳам жиддий таъсир қилмоқда.

Кийидаги асослардан келиб чиқиб ҳарбий судларнинг заруриятини хис этган ҳолда судловига тааллукли ишларни бироз ислоҳ қилишни зарур деб ҳисоблаймиз.

Америка қўшма штатларининг қонунчилиги (u.s. code title 10. armed forces subtitle a. general military law part ii. personnel chapter 47. uniform code of military justice) [2] га биноан ҳарбий интизомни бузиш, хукуқбузарлик ёки жиноят содир қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳарбий хизматчи, собиқ ҳарбий хизматчи ёки ҳарбий хизматчи бўлмаган шахснинг ҳарбий



маъмурият билан келиб чиқадиган низосини ҳарбий трибуналда (ҳарбий судда) ҳал этиши назарда тутилмаган.

Бироқ, бу англо-саксон ҳуқук тизимининг характеридан келиб чиқиб, ҳарбий хизматчи ёки собиқ ҳарбий хизматчининг маъмурий ёки оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларини ҳарбий трибуналда (ҳарбий судда) ҳал этиш назарда тутилмаганлиги ушбу қоиданинг муваққат эканлитини англатмасада, қўшма штатларнинг юқорида қайд этилган қонунчилигига кўра, ҳарбий трибунал (ҳарбий суд)да асосан ҳарбий хизматчининг интизомни бузиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир қилиш билан боғлиқ ишлари кўриб чиқилиши белгиланган.

Англо – саксон ҳуқук тизими амалда бўлган давлатларнинг кўпчилигилда фаолият худди шундай ташкил этилган.

Романа-герман ҳуқук тизимида мавжуд асосий фигуralардан бири Россия федерациясининг “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси”нинг 18-моддасига [3] биноан федерал қонунларда назарда тутилган ҳолларда маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келаган жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низоли ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ низоларни ҳарбий судлар кўриб чиқиши белгиланган бўлсада, бироқ ушбу Романа-герман ҳуқук тизимида асосий фигуralардан бири бўлган Германия қонунчилигига кўра, ҳарбий судлар Германияда умуман мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунининг 45-моддасига [4] биноан ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмаларнинг, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ҳамда ҳарбий бошқарув органлари карорлари, ҳарбий мансабдор шахсларнинг, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқук ва эркинликларини бузувчи хатти-харакатлари (харакатсизлиги) устидан шикоятларни Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари кўриши белгиланган. Бироқ, Қонуннинг ушбу моддасида собық ҳарбий хизматчи хақида назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли “маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, харакатлари (харакатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарори [5] 10-бандига кўра, судларга тушунтирилсинки, ҳарбий бошқарув органлари ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, харакатлари (харакатсизлиги), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар чақирив комиссияларининг қарорлари устидан шикоятлар ҳарбий судлар томонидан кўрилиши белгиланган. Яъни, аризачининг ҳарбий хизматчи ёки собық ҳарбий хизматчи эканлигидан ёки умуман ҳарбий хизматчи эмаслигидан қатий назар ҳарқандай ҳолатда ҳарбий бошқарув органлари ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, харакатлари (харакатсизлиги), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар чақирив комиссияларининг қарорлари устидан шикоятлар ҳарбий судлар томонидан кўрилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сон фармиони [6] 5-иловасига кўра, Республика ҳудудида 5 та Нукус, Қарши, Тошкент, Самарқанд, Фарғона ҳарбий судлари мавжуд бўлиб, ушбу судларнинг ҳар бирида биттадан жами 5 та судья штат бирлиги мавжуд.

Юқорида келтирилган Қонун ва Пленум қароридан келиб чиқиб айтиш мумкинки бугунги кун суд амалиётида ҳар қандай ҳолатда ҳарбий бошқарув органлари ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, харакатлари (харакатсизлиги), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар чақирив комиссияларининг қарорлари устидан шикоятлар ҳарбий судлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Бунда мавжуд муаммо;

Биринчидан: Ҳарбий судларнинг Республика ҳудудида камлиги ҳарбий хизматчи, собық ҳарбий хизматчи ёки ҳарбий хизматчи бўлмаган фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш масаласида судга мурожаат қилиши ёки мурожаат қилган тақдирда ҳам суд мажлислиарида шахсан иштирок этиши қийинлиги;

Иккинчидан бир судьянинг барча суд судловига тааллуқли ишларни кўриши судьянинг ихтисослашувини инкор этади ва одил судлов сифатини пассайтиради.

Тасаввур этилган муаммо юзасидан ҳуқуқбузарлик ёки жиноят билан боғлиқ бўлмаган



ишлиарни умумий тартибда судловга тааллуқлилиги бўйича кўриш амалиётини жорий этиш таклиф этилади.

**Сноски/References/Иқтибослар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги Кодексининг 27-моддаси. <http://old.lex.uz/docs/3527353>.
2. <https://www.law.cornell.edu/uscode/text/10/subtitle-A/part-II/chapter-47>
3. [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_176147](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_176147)
4. Ўзбекистон республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Конуни/ Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон/ <http://old.lex.uz/docs/5534923>
5. <http://old.lex.uz/docs/4711311>
6. <http://old.lex.uz/docs/4910826>



## МАЪМУРИЙ ВА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА СУДЛОВГА ТААЛЛУҚЛИЛИК МУАММОЛАРИ

Жўраев Дилмурот Мухторович,  
Тошкент шаҳар маъмурий судининг  
судья катта ёрдамчиси  
E-mail: joraev\_dms@mail.ru

**Аннотация:** Мазкур мақолада маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг судловга тааллуқлилиги юзасидан амалиётда мажуд бўлган айrim муаммолар ёритилган бўлиб, маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг судловга тааллуқлилигини аниқлаш масалалари ёритилган. Бу бўйича қоидалар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 26-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 25-моддасида ўз аксини топган. Мақолада ушбу тоифадаги низоларнинг судда кўрилиши билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар таҳлил қилинган бўлиб, ечим учун таклифлар берилган.

**Калитсўзлар:** судловгатааллуқлилик, маъмурий низо, оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низо, маъмурий орган.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг [1] қабул қилиниши шубҳасиз Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига маъмурий ишларнинг судловга тааллуқлилигини, унинг ўзига хос хусусиятларини ва маъмурий суд ишларини юритилишини белгиловчи асосий ҳуқуқий механизмни вужудга келтириди.

Бугунги кунда амалиёт шуни қўрсатмоқдаки, маъмурий ишлар юрисдикциясини янада аниқлаштириш, низоларнинг судловга тааллуқлилигини ўрганиш, бу масалада тадқиқотлар олиб бориш масаласи долзарблигича қолмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январда қабул қилинган 107-сон Қарорида [2] судлар томонидан даъво аризаси, ариза ҳамда шикоятни судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли қабул қилишни рад этиш ёки иш бўйича иш юритишни тугатишни тақиқлаш, бунда даъво аризаси, ариза, шикоят ёки ишни уларни кўриб чиқишга ваколатли судга ўтказиш алоҳида назарда тутилганлигидан ҳам кўришимиз мумкин.

Айни шу ўринда айтиш жоизки жамиятнинг бошқарув институтлари ва фуқаролар ўртасидаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, жамият институтларининг ҳаётийлигини ошириш, фуқароларнинг ҳукумат ва давлат бошқарувига ишончини оширишда айниқса маъмурий судларнинг аҳамияти каттадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайд этилган Қароридан сўнг ариза, шикоят судловга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли қабул қилишни рад этиш ҳақидаги қонун нормалари ариза шикоятларни тегишли судга ўтказишни назарда тутадиган ҳолатга ўзгартирилади ва судга мурожаат қилувчилар учун бир қанча енгилликлар яратилади.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 27-моддасига биноан давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун хужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиб тўғрисидаги ишларни маъмурий судлар ҳал этади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал Кодексининг [3] 25-моддаси талабига кўра, иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилаётганда тарафлар бўлган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир иктисодий судлар томонидан ҳал этилиши назарда тутилган.



Ушбу ҳолатда низоларнинг судловга тааллуқлилиги юзасидан қонунчиликда бироз зидлик мавжуд бўлиб, бир қонунда ўзаро боғлик бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмаслиги назарда тутилган бўлсада, айрим маъмурий низолар иқтисодий суд томонидан ҳал эилиши иккинчи бир қонун билан белгиланган.

Шу ўринда судловга тааллуқлиликнинг аниқ чегараларини белгилашда ўзига хос бўлган тадқиқотларни олиб бориш қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш лозим бўлади.

Юридик фанлар доктори Ж.Нематов айтганидек, маъмурий судлар айнан маъмурий ҳукуқий муносабатлардан юзага келадигани низоларни кўриб чиқиш учун алоҳида ташкил этилган [4].

Агар, юридик шахс солик органининг солик ундириш ҳақидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаб ва ундирилган солик суммасини қайтариш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилмоқчи бўлса, ушбу юридик шахснинг маъмурий орган (солик органи) нинг солик ундириш ҳақидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаби маъмурий суднинг судловига тааллуқли бўлсада, ундирилган солик суммаси (пул маблағлари)ни қайтариш ҳақидаги талаби иқтисодий суднинг судловига тааллуқли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси МСИЮтКнинг 189-моддасига кўра, қарор ҳақиқий эмас, харакатлар (харакатсизлик) қонунга хилоф деб топилган тақдирда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахснинг зиммасига қўйидаги мажбуриятларни юклайди:

қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш ёки муайян харакатларни амалга ошириш ёхуд аризачининг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бошқача усулда бартараф этиш;

Ушбу ҳолатда Ўзбекистон Республикаси МСИЮтКнинг 26-моддасида келтирилган баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмаслик ҳақидаги қонун талабидан келиб чиқиб, аризачи юридик шахс ўзининг бузилган ҳукуқларини тиклаш учун дастлаб маъмурий органинг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаб билан маъмурий судга ва шундан сўнг солик суммасини қайtариш ҳақидаги талаб билан иқтисодий судга мурожаат қилиши лозим бўлади.

Чунки, юкорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси МСИЮтКнинг 189-моддасида қайд этилган қарор ҳақиқий эмас, харакатлар (харакатсизлик) қонунга хилоф деб топилган тақдирда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахснинг зиммасига аризачининг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бошқача усулда бартараф этиш бўйича мажбурият юклаши белгиланган бўлсада, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодекси [5] 26-моддасининг 12-бандига кўра, ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этиш мумкин эмас деб топиш ҳақидаги ва ушбу модданинг 14-бандига кўра, назорат килувчи органлар томонидан қонун ҳужжатлари талабларини бузган ҳолда сўзсиз (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайtариш ҳақидаги низоларни иқтисодий судлар ҳал этиши белгиланган.

Ушбу қонун нормаси талабидан келиб чиқиб аризачи талабининг бири маъмурий органинг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаби маъмурий судга тааллуқли бўлсада, иккинчи талаб ундирилган солик суммасини бюджетдан қайtариш ҳақидаги талаб иқтисодий суднинг юрисдикциясига тааллуқли бўлганлиги сабабли ушбу талаблар бўйича аризачининг ягона низоси алоҳида судларда ҳал этилиши лозим.

Агар, солик органи томонидан солик қарздорлигини ундириш ҳақидаги талабномани аризачига юборган ва солик қарздорлигини ундириш ҳақида қарор қабул қилмаган бўлса, аризачи солик органи мансабдор шахсларининг хатти-харакатларини ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги талаб билан маъмурий судга ёки иқтисодий судга мурожаат қилиш юзасидан ҳам амалиётда ихтилоф мавжуд.

Негаки, ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этиш мумкин эмас деб топиш ҳақидаги низо қонун билан иқтисодий суднинг юрисдикциясига киритилган.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, маъмурий ишларнинг судловга тааллуқлилиги масаласида тадқиқот олиб бориш лозим бўлади.



Шу ўринда Ўзбекистон республикаси Президентининг 107-сонли Қарори [6] билан ҳуқуки бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига оммавий-хуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий боғланишда бўлган заарни ундириш талабини ҳам маъмурий судга билдириш ҳуқуқини тақдим этиш ҳамда бундай талабларни кўриб чиқишни маъмурий судлар ваколатига ўтказиш назарда тутилганлиги қонунчиликда судловга тааллуқлиликнинг аниқ чегараларини белгилашга қаратилгандир.

Юқорида келтирилган асос ва фикрлардан келиб чиқиб хулоса ўрнида қуйидаги икки таклиф берилади.

Биринчи – Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 25-моддасидан маъмурий низоларни иқтисодий судлар томонидан ҳал этишни назарда тутувчи жумлаларни чиқариб ташлаш;

Иккинчи – Ўзбекистон Республикаси МСИЮтКнинг 189-моддасида қайд этилган “қарор ҳақиқий эмас, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилган тақдирда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахснинг зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юклайди” жумласини “қарор ҳақиқий эмас, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилган тақдирда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахснинг зиммасига гарчи мажбурият юклаш ҳақидаги талаб иқтисодий суднинг судловига тааллуқли бўлсада қуйидаги мажбуриятларни юклайди” жумласига ўзgartириш.

### Сноски/References/Иқтибослар:

1. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси: Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори // Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида // <http://old.lex.uz/docs/5841287> // 29.01.2022.
3. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси: Қонун хужжатлари миллий базаси, 25.01.2018 й.
4. Нематов Ж. Маъмурий суд ишларини юритишда судга тааллуқлиликнинг айrim ҳуқуқий муаммолари// ODILLIK MEZONI, илмий-амалий, ҳуқуқий журнал, 2021. №11, 45-бет.
5. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий процессуал кодекси: Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори // Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида // <http://old.lex.uz/docs/5841287> // 29.01.2022.

# **ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 1-ҚИСМ**

**(1-қисм)**

**Масъул мұхаррир: Файзиев Шохруд Фармонович**

**Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович**

**Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев**

Эълон қилиш муддати: 28.02.2022

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000